



## **Ўзига зарар бериш ҳам, бировга зарар бериш ҳам йўқ. Ким зарар берса Аллоҳ унга зарар беради. Ким ишни қийинлаштиради, Аллоҳ унга қийинлаштиради» - дедилар**

Абу Саид Ал-Худри разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзига зарар бериш ҳам, бировга зарар бериш ҳам йўқ. Ким зарар берса Аллоҳ унга зарар беради. Ким ишни қийинлаштиради, Аллоҳ унга қийинлаштиради» - дедилар.

[Шоҳидлари билан саҳиҳ] [Доруқутний ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда зарарнинг барча тури ва унинг барча кўринишини инсон ўзидан ва бошқалардан даф қилиши керак эканини баён қилмоқдалар. Киши ўзига зарар бериши мумкин бўлмагани каби, бошқаларга ҳам зарар бермаслиги лозим. Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш жоиз эмас. Чунки, ёмонлик, ёмонлик билан даф қилинмайди. Фақатгина (шариат асосида) қасос олиш бундан мустаснодир. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқаларга зарар берган инсонга зарар етиши ва инсонларнинг ишларини қийинлаштирган кишининг иши қийинлашишини баён қилдилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4711>

